

ЎЗБЕК ВА ҚИРҒИЗ ФОЛЬКЛОРИДА ДОСТОН ЖАНРИ ВА УНИНГ НАЗАРИЙ ТАЛҚИНЛАРИ

Меҳринса Ибраҳимовна СУЛАЙМАНОВА

Филология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

Андижон давлат педагогика институти

Андижон, Ўзбекистон

sulaymonovamexrinsa@gmail.com

Аннотация

Мақолада “достон” терминининг ўзбек фольклорида оғзаки ва ёзма эпик асарлар учун қўлланилиши, қирғиз фольклорида эса “поэма” сифатида ишлатилиши ва уларнинг умумий ва фарқли жиҳатлари кўрсатилган. Достонлар қаҳрамонлик, ишқий ва ахлоқий мавзуларни қамраб, анъанавийлик билан бахшиларнинг индивидуал ижодини уйғунлаштириши таъкидланган. Илмий нуқтаи назардан, бу асарлар халқларнинг тарихий-ижтимоий ҳаёти ва маданиятини ўрганишда муҳим манба эканлиги қайд этилган.

Таянч сўзлар: анъанавийлик, достон, жанр, индивидуал ижод, поэма, фольклор.

ЭПИЧЕСКИЙ ЖАНР В УЗБЕКСКОМ И КЫРГЫЗСКОМ ФОЛЬКЛОРЕ И ЕГО ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ИНТЕРПРЕТАЦИИ

Меҳринса Ибраҳимовна СУЛАЙМАНОВА

Доктор философии по (PhD) филологическим наукам

Андижанский государственный педагогический институт

Андижан, Узбекистан

sulaymonovamexrinsa@gmail.com

Аннотация

В статье раскрывается, что термин «дастан» в узбекском фольклоре используется для обозначения как устных, так и письменных эпических произведений, тогда как в кыргызском фольклоре употребляется как «поэма». Указаны общие и отличительные черты этих жанров. Подчеркивается, что дастаны охватывают темы героизма, любви и нравственности, а также сочетают традиционность с индивидуальным творчеством бахши. С научной точки зрения отмечается, что данные произведения являются важным источником для изучения историко-социальной жизни и культуры народов.

Ключевые слова: традиционность, дастан, жанр, индивидуальное творчество, поэма, фольклор.

Ҳар бир халқ ўзининг халқ оғзаки ижодига ўша халқнинг бетакрор миллий қадриятларини, урф-одатлари ва миллийлик хусусиятларини сингдиради. Дунё халқларининг деярли барчасида мана шундай

хусусиятларни, яъни халқнинг тарихий ҳаёти, турмуш тарзи, миллийлик хусусиятларининг барқарорлигини намоён этувчи маданий мерослари мавжуд. Улар бир-бирини ҳамиша тўлдирувчи, ўзаро уйғун ва боғлиқ ҳолдаги бадиий тизим ҳисобланади. Бу каби бадиий тизимни фольклоршунослик нуқтаи назаридан ўрганамиз. Фольклор халқнинг тарихини, ижтимоий ҳаёти, турмуш тарзи ва маданиятини ўрганишда муҳим объект, асосий манба вазифасини ўтайди.

Ўзбек ва қирғиз халқ оғзаки ижодида эпик жанрлар алоҳида ўринга эга. Бу жанрлар фольклорнинг энг бой жанри сирасига кириб, турли хил тематик, жанрий жиҳатдан турларга бўлинади. Эпик жанрлар ичида тарихий дostonларнинг маънавий маданиятимизда тутган ўрни бекиёсдир. Дostonлар ҳам ўзига хос тарзда узоқ тарихий-тадрижий босқични бошдан кечирган. Уларда эпик анъанавийлик, оғзаки поэзиянинг қонуниятлари сақланган ҳолда жамоавийлик билан бирга индивидуаллиликнинг ҳам хиссаси катта экани айни ҳақиқатдир.

Қирғиз халқида дoston деган терминнинг ўрнида поэма атамаси қўлланилади. Поэма юнон тилидан “яратиш” деб таржима қилинади. Поэма деганда, лирик сюжетли кўлами жиҳатдан катта асарларни тушунамиз. Қадимда бу термин П.А.Гринцер, М.Перри, А.Лорд каби машхур олимларнинг асарларида тилга олинган ва термин шу маънода турғун қабул қилинган. Кейинчалик XIX асрда фольклоршуносликда “эпос” деган атама пайда бўлди ва кўпгина халқ намуналари эпос деган термин билан номлана бошланди [1;169–171].

“Дoston” деган атама форс тилидан олинган бўлиб, кўпинча тожик, ўзбек, озарбайжон ва туркман халқларининг фольклорида кенг қўлланилади. Бу термин қирғиз фольклорига ташқи инерция билан қабул қилинган бўлиб, ҳақиқий дostonнинг табиатига тўғри келмаса-да, жамиятнинг кейинги даврларида пайдо бўлиб, халқ асарларини дoston деб аташади. Дoston билан поэманинг табиати ўхшаш. Фарқи – тематикасида, баён этилган воқеаларида, шаклида, образларида ҳамда шеърый тузилишида.

Достон кўчиб юрувчи, чорвачилик билан шуғулланган, муҳим дини йўқ, кўчманчи ҳаётни тасвирламайди. Уларнинг воқеалари кўпинча ўтроқ феодал ҳаётни тасвирлайди. Бу ҳақда қорақалпоқ олими Нажим Давкараевнинг, В.М.Жирмунский ҳамда Ҳ.Т.Зарифовларнинг [3;24] асарларида асосли далил келтирилган.

“Достон” деган термин қорақалпоқларда “қисса” деб аталган китобий асарларга нисбатан қўлланилган. Кейинчалик катта ҳажмли поэтик асарлар ҳам достон деб атала бошланди. Айни дамда эпос терминидан ҳам халқ эпик жанрларида кенг фойдаланилади [7;5].

Туркманларда ҳам “достон” терминидан фойдаланилиб, “Гўр оғлы” эпосини, “Хурлукка ва Хемра”, “Саят ва Хемра” каби кичик эпик асарларни ҳам “достон” деб аташганини кўришимиз мумкин [8;440]. Демак, туркман фольклорида ҳам эпос ва достон терминлари бир хил маънода қўлланилган.

Эпик поэма ўзбек фольклорида “достон” деган термин билан берилади. Бу сўз форс тилидан кирган бўлиб, ўзбек эпик асарларининг ёзма, классик, оғзаки формаларидан тортиб, Навоийнинг асарларигача қўлланилган. Бошқача айтганда, оғзаки эпик асарлардан бошлаб, кейинги ёзма, китобий формалар ҳам достон деб юритилган [3;23].

Ўзбек фольклорида достонлар оғзаки анъана сифатида узоқ тарихга эга. Бу асарлар одатда бахшилар томонидан куй-қўшиқ тарзида ижро этилиб, қаҳрамонлик, ишқий ёки ахлоқий мавзуларни ўз ичига олган. Масалан, “Алпомиш”, “Кунтуғмиш”, “Гўрўғли” каби достонлар оғзаки ижоднинг энг муҳим намуналаридир. Ушбу достонларнинг хусусияти шундаки, улар муайян бир сюжетга эга бўлса-да, ижрочи бахшининг импровизациясига кўра ўзгариб, бойиб боради. Илмий нуқтаи назардан, бу достонлар ўзбек халқининг миллий руҳияти, тарихий хотираси ва дунёқарашини акс эттирувчи манба сифатида ўрганилади. Фольклоршунослар, масалан, Ҳоди Зариф ва Виктор Жирмунский каби олимлар бу достонларнинг типологияси ва уларнинг бошқа туркий халқлар эпоси билан боғлиқлигини тадқиқ қилганлар.

Оғзаки достонлардан фарқли ўлароқ, ёзма адабиётда достонлар китобий шаклда, кўпроқ муаллифлик асар сифатида намоён бўлган. Хусусан, Алишер Навоийнинг “Хамса”сидаги “Хайрат ул-аброр”, “Сабъаи сайёр” каби асарлар достон деб аталган. Бу асарларда эпик сюжет поэтик услуб ва адабий санъат воситалари билан бойитилган. Навоий ўз достонларида форс-тожик адабиётининг классик анъаналарига таяниб, уларни ўзбек адабиётининг миллий хусусиятлари билан уйғунлаштирган.

Қозоқ фольклорида кўлами катта “Кобланды батыр”, “Камбар батыр”, “Алпамыс”, “Эр Таргын” каби эпик асарлар эпос, “Айман-Шолпан”, “Кыз Жибек”, “Козу Корпеш-Баян сулу”, “Еңлик-Кебек” каби кичик эпик асарлар “жыр” деган термин билан номланган. Қозоқларда эпик асарларга эпос, достон, поэма, жыр деган терминлар эркин қўлланилган, умумий олганда барча эпик асарларни жыр деб аташган [4;308].

Гап жанрларнинг номланишида эмас, балки асосий масала жанрни ва жанр ичидаги турларини ажратиб ўрганишда. Асарнинг ўзига хос хусусиятларини ҳамда қандай шаклда яшаганлигини ҳисобга олган ҳолда унинг жанрини аниқлаш тўғри бўлади. Эпик поэзиянинг жанр турларини аниқлаш масаласи туркий халқлар фольклорига хос умумий хусусиятдир. Чунки, ўзбек, қирғиз, қозоқ, озарбайжон, қорақалпоқ, татар, туркман халқлари фольклорида барча масала юзасидан хусусийликка қараганда умумийлик кўпроқдир. Шу сабабдан бу халқлар фольклоршунослигидаги илмий хулосалар бир-бирига методологик асос бўлиши мумкин.

Қирғиз фольклорида “поэма” деган термин шеър шаклидаги сюжетли асарларга нисбатан қўлланилиб, эпосдан фарқ қилади, кўлами жиҳатдан кичик бўлган халқ эпик асарлари поэма деб юритилади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, қирғизлардаги эпик поэма ўзбеклардаги достон жанрига тўғри келади. Қирғиз поэмаларининг шеърий ва насрий шакл билан аралаш айтилган формалари ҳам бор. Таниқли қирғиз фольклоршунос олими С.Мусаев шундай дейди: “Халқ поэмаларига хос хусусият — улар мазмунининг ҳаётга яқинлиги. Одатда, ҳар бир асарда афсонага хос белгилар

бўлишига қарамай, ҳаётий ҳақиқатдан олинган воқеа-бўлмиш сифатида қабул қилинади ва тушунилади” [6,476] деб тўғри таъриф берган. Дарҳақиқат, қирғиз халқ поэмалари XIX–XX асрдаги тарихий воқеаларни тасвирлайди. Улар матнидан ўша даврга хос бўлган, яъни адолатсизлик, тенгсизликка қарши кураш, эркинликка интилиш каби ҳолатларни кўриш мумкин.

Қирғиз фольклоршунослигида эпик жанрнинг янги шакли сифатида қаралган, айрим олимлар “достон” деган термин билан атаган фольклор асарлари бор. Таниқли фольклоршунос олима Б.Кебекова бу масалага биринчилардан бўлиб мурожаат қилиб, достон жанрига оғзаки яралган қирғиз асарларининг айримларини, туркий халқлар учун муҳим саналган “Мундук, Зарлык”, “Кыз дарыйка”, “Нарикбай” (“Эр Чоро”) ва шарқ поэзиясидаги диний қиссаларни ҳам қўшади.

Халқ ижодкорлигининг жонли процесси профессионал ёзма адабиёт шаклланган даврда ҳам тўхтамасдан, эпик ижодкорликнинг иккинчи босқичи, яъни, достон шаклидаги асарларнинг яралиш босқичи пайдо бўлган. Бундай асарлар қирғиз фольклорида бажарган вазифаси ҳамда эпик анъанавийликни сақлашига қараб эпос, достон, ботирлик эртак ёки поэма деб аталиб келинган. Б.Кебекова булар ҳақида эпик асарнинг ўсиш йўлидаги алоҳида босқични тузиб, эпик жанрнинг кейинги даврдаги ҳолати, тузилиши хусусиятлари, янги формаларни яратишдаги оқинларнинг ўрни, шахсий репертуари каби назарий аҳамиятга эга масалаларни тадқиқ этиш зарурлигини белгилайди [5;605].

Халқ ижодкорлиги, хусусан, эпик ижод анъаналарининг ривожланиш жараёни ўзбек ва қирғиз фольклорида муҳим ўрин тутади. Б.Кебекованинг фикрларига таяниб, эпик асарларнинг шаклланиши ва уларнинг ижтимоий-маданий вазифаларини таҳлил қилиш муҳимдир.

Халқ оғзаки ижодкорлиги профессионал ёзма адабиёт пайдо бўлганидан кейин ҳам ўз фаолиятини давом эттирган. Эпос, достон, ботирлик эртаклари ва поэма каби жанрларнинг шаклланиши халқнинг маънавий-ахлоқий қадриятларини, тарихий хотирасини сақлаш ва авлоддан-авлодга

ўтказишда муҳим вазифа бажарган. Масалан, қирғиз фольклорида “Манас” достони каби асарлар нафақат маданий рамз, балки миллат бирлигининг ифодаси сифатида ҳам хизмат қилган.

Б.Кебекова таъкидлаганидек, эпик асарларнинг ўсиши йўлидаги алоҳида босқичлар унинг структурасидаги ўзгаришларда намоён бўлади. Бу босқичда асарларда анъанавий мотивлар сақланиб, уларга янги поэтик воситалар ва ижтимоий мавзулар қўшилган. Масалан, дostonларда қаҳрамонлик руҳи билан бирга, ижтимоий адолат, оилавий қадриятлар ва маънавий-ахлоқий нормалар акс этган. Илмий жиҳатдан, бу хусусиятларни таҳлил қилиш учун структуралистик ёндашувдан фойдаланиш мумкин, бу эса асарларнинг композицион тузилиши, улардаги мотивлар ва образларнинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатади.

Эпик жанрларнинг ривожланишида янги формалар пайдо бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Бу жараёнда ижодкорлар ўз шахсий репертуарларини бойитиб, анъанавий сюжетларга замонавий талқинлар қўшганлар. Масалан, қирғиз фольклорида “Манас” достонининг турли вариантлари манасчилар томонидан ижро этилиб, улар ўз даврининг ижтимоий-сиёсий воқеаларини акс эттирган. Бу оқимларни тадқиқ қилиш эса турли халқлар фольклоридаги ўхшашликлар ва фарқларни аниқлашга ёрдам беради.

Эпик асарларнинг муҳим хусусияти уларнинг анъанавийликни сақлашга хизмат қилишидир. Бу жараёнда асарлар нафақат маданий мерос сифатида, балки миллатнинг тарихий хотираси ва идентиклик рамзи сифатида ҳам хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, дostonлар ўзбек ва қирғиз адабиёти ва маданиятида муҳим ўрин тутади. Улар нафақат эстетик, балки ижтимоий-тарихий функцияларни ҳам бажариб, халқнинг миллий онгини шакллантиришда муҳим рол ўйнайди. Илмий нуқтаи назардан, дostonлар ўзбек ва қирғиз халқининг тарихий, маданий ва адабий меросини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Уларнинг туркий ва Шарқ халқлари

адабиёти билан қиёсий тадқиқи эса умумий Шарқ эпик анъанасининг кенг манзарасини очиб беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Гринцер П.А. Эпос древнего мира. В кн.: Типология и взаимо-связи литератур древнего мира. – Москва: Наук, 1971.
2. Давкараев Н. Чыгармаларынын толук жыйнагы. 2-том. 1-бөлүм. Нокис. 1977.
3. Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – Москва: Государственный издательства художественный литературы, 1947.
4. Казак фольклорунун типологиясы. – Алматы: Гылым, 1981.
5. Кебекова Б. Дастандар. Кыргыз адабиятынын тарыхы. – Бишкек: Шам, 2002.
6. Мусаев С. Эпикалык жанр. Кыргыз адабиятынын тарыхы. – Бишкек: Шам, 2002.
7. Очерки по истории каракалпакского фольклора. – Ташкент: Фан, 1977.
8. Хурлукка и Хемра. Саят и Хемра. Туркменский романтический эпос /Предисловие А.С.Мирбадалева. – Москва: Главная редакция восточной литературы, 1971.